



PROFILAKTIKA INSPEKTORI TOMONIDAN JAMOAT JOYLARIDA MAYDA BEZORILIK JINOYATLARINI OLDINI OLIISH FAOLIYATINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Inomaliyev Davron Nazirjon o'g'li

IIV Akademiyasi 3-o'quv kursi, 318 guruh kursanti.

Annotatsiya: Maqolada profilaktika inspektorlarining mayda bezorilik bilan bog'liq jinoyatlarga qarshi kurashish, uning oldini olish va sodir etilish sabab va sharoitlarini bartaraf etish borasidagi faoliyati tushunchasi, bugungi kundagi holati hamda jinoyatchilikka qarshi kurashishda ushbu faoliyatning o'rni va ahamiyati, shuningdek uni takomillashtirish yo'nalishlari yuzasidan takliflar bildirilgan.

Kalit so'zlar: mayda bezorilik, jamoat tartibi, tajovuz, huquqbuzarlik, jinoyat, huquqbuzarliklar profilaktikasi, ta'sir chorasi, ijtimoiy himoya, ruhiy ta'sir, jismoniy zo'rlik ishlatish, himoyalash choralari.

Ҳозирги кунда, жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти жиноятчиликни назарий жиҳатдан тубдан ўрганиш вазифасини катъий масала қилиб қўймоқда. Умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари ва еркинликлари асосий ўринга қўйилган бугунги кунда жиноятлар ислоҳотларнинг йулига катта тўсик бўлмоқда бу муаммоларни бартараф этиш ички ишлар органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Безорилик ҳуқуқбузарлигини мохиятан ижтимоий ҳуқуқий тушунча сифатида англаш мумкин. Ижтимоий жиҳатдан безорилик ҳуқуқбузарлиги одатда, уйинкарок, шух, доим атрофдагилар одамлар билан низолашиб юрадиган безори шахслар килмишига берилган баҳо бўлса, ҳуқуқий жиҳатдан эса амалдаги мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси ҳамда жиноят кодексининг 277-моддасида назарда тутилган жиноий безорилик содир этилишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ҳар икала ҳолатда ҳам безорилик деб баҳоланмасада, жиноий безорилик ўзининг ижтимоий жиҳатдан хавфлилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Безорилик ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси ҳақида сўз юритганда, унга ижтимоий ҳуқуқий тушунча тарикасида қараш мақсадга мувофиқ саналади. Чунки аксарият криминалогларнинг фикрича шахс жиноятчи бўлиб тугилмайди ёки у бирданига жиноятчи шахсга айланиб қолмайди. Унинг ҳуқ-атворидаги салбийлашув муайян Вақт оралигида аста-секин салбийлашиб боради. Шу боис безорилик ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда комплекс ёндашув талаб этилади. Бунинг учун аввало безорилик ҳуқуқбузарлигини криминалогик тавсифини тўлиқ ўрганиш керак.

Безорилик ҳуқуқбузарлигига криминалогик тавсиф беришда унинг қуйдаги йуналишдаги хусусиятларга мазмунан ёндашиш керак;



Биринчидан, безорилик ҳуқуқбузарлиги (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятининг) маъмурий ҳуқуқий ва жиноий ҳуқуқий тавсифи, ахволи, тузилиш даражаси ва динамикаси, жойи ва вақти;

Безорилик ҳуқуқбузарликларидан жабрланган шахсларни ўрганиш ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда виктимологик чора-тадбирлани ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун безорилик ҳуқуқбузарликларидан жабрланган шахсларни ижтимоий демографик (ёши, жинси, касби, маълумоти, яшаш жойи, oilавий ахволи) манавий рухий (қизиқишлари, умуминсоний қадриятларга муносабати, интеллектуал салоҳияти) жиоят ҳуқуқий (илгари судланганлиги безориликнинг маъмурий ёки жиноят еканлиги, виктимликнинг айбли ёки айбиз еканлиги, баданга тан жароҳати етказиш мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилганлиги) белгилари асоида атрофлича ўрганишни такозо этади.

Иккинчидан, безорилик ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт шароитлари.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун безориликни бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан фарклаш лозим булади. Айбдор қасдининг моҳияти ва унинг нимага қаратилганлигига, шунингдек содир этилган ҳаракатнинг мотив мақсади ва муайян ҳолатига aloҳида эътибор бериш талаб этилади.

Агарда oilада, уйда кариндош уруғ, таниш билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш дўппослаш, баданга энгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиккан ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари oқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланади.

Безорилик эса ўз менлигини намоён этиб жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, жамиятга нисбатан очикдан-очик ҳурматсизлик килиб, жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш, шундай сўзлар билан сўқиниш, беҳаё қилиқлар кўрсатиш ёхуд oдамларга нисбатан ҳақоратомўз шилқимликлар қилиш, жамоат тартиби ва осойишталигини бузиш, шу билан бирга шахсни уриш-дўппослаш шу билан бирга унга энгил тан жароҳати етказиш, ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ва нобуд қилиш кабиларнинг содир килинишида келиб чиқади. Мазкур ҳуқуқий белгилар безорилик ҳуқуқбузарлигининг сабаб ва шароитларини келиб чиқиш манбаига кўра oбъектив ва субъектив ўрганиш имконини беради.

Безорилик ҳуқуқбузарликларининг сабаб ва шароитлари oта-она томонидан фарзандини eҳтиёжини ҳаддан зиёд кондирити, фарзандининг миллий, диний, умуминсоний қадриятлардан йироқ тарбиялаши ва назоратсиз қолдирити, спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол



қилишига одатланиши, шу билан бирга ота-онанинг спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситаларини истемол қилиши, оилада мунтазам низоли вазиятлар яратилиши, интернет ва ОАВ орқали беҳаёликни, ўришни, зўравонликни тарғиб қилувчи филмлар, суратлар, материалларни томоша қилиши, шу мазмундаги уйинларни уйнаш қабиладарни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Безорилик ҳуқуқбузарлигининг объектив сабаб ва шароитларига шахснинг болалар уйида ота-она меҳридан йироқ тарбияланганлиги, азолари тўлиқсиз оилада яшаганлиги қабиладар мисол бўла олади.

Юқорида безорилик ҳуқуқбузарлигининг сабаб ва шароитлари ҳақида сўз юритилди. Маскур сабаб ва шароитлар тасирида шахс еғист умуминсоний, миллий ва диний қадриятларга бепсант ахлоқий заиф бўлиб шаклланади ва бу тоифадаги шахслар безорилик ҳуқуқбузарлигини содир этишга нисбатан кўпроқ мойил бўладилар. Безорилик ҳуқуқбузарликни содир етувчи шахсларни ижтимоий демографик (ёши, жинси, касби, оилавий аҳоли қабиладар) манвий-рухий (кизишлари, умуминсоний миллий ва диний қадриятларга нисбатан муносабати интеллектуал салоҳияти қабиладар) жиноий-ҳуқуқий (судланганлиги ёки безори шахснинг манавий шунингдек ҳуқуқбузарликнинг бир киши ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги қаби) белгилар асосида ўрганилади.

Учинчиси, ҳуқуқбузарлик профилактикаси чора-тадбирлари 2014-йил 14-май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун талаблари асосида умумий, махсус, яққа ва виктимологик профилактика кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Бу борада умумий профилактика шахснинг маънавиятини юксалтириш унинг онгига умуминсоний, миллий, диний қадриятларни сингдириш унга ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш. Безорилик ҳуқуқбузарликларини сабаблари шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси деганда, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга, шунингдек, аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид профилактик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолият тушунилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган. Шулардан биринчиси ҳуқуқбузарликларнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир. Ҳуқуқбузарликларнинг ол-ди-ни олиш фаолияти



субъектлари томонидан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқбузарликнинг сабаб-шароитлари, бошқа детер-ми-нантларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, таъсирини йўқотиш, кучсизлантириш бўйича усул ва шаклларни амалга ошириш-дир.

Профилактика хизматларининг умумий профилактик фаолияти жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг, турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, таъсир этиш, кучсизлан-ти-риш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижти-мо-ий-ҳуқуқий воси-та-лар орқали амалга ошириладиган фаолиятидир. Бу борада умумий профилактика шахснинг маънавиятини юксалтириш унинг онгига умуминсоний, миллий, диний қадриятларни сингдириш унга ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йуналтирилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, безорилик ҳуқуқбузарликларини сабаблари шароитларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш асосида амалга оширилади. Бундан ташқари ИИБ ташаббуси билан республика микёсида жамоат жойларида, корхона, муассаса ва ташкилот биноларида ресторан кафе, барларда кузатув камераларининг ўрнатилиши ҳам келгусида безорилик ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш ҳамда содир этилган безорилик ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни айбдорлигини исботлашда муҳим восита сифатида самарали натижа беради албатда.

Безорилик ҳуқуқбузарлигининг махсус профилактикаси эса айнан безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш қолаверса жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган махсус профилактик тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблар ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятидир .

Ҳуқуқбузарликларнинг амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;
жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовўз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар:

– илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари;



– алкоғолни суиистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик восита-ларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари;

Безорилик ҳуқуқбузарлиги аксарят ҳолларда спиртли ичимлик воситалари истемол килган шахслар томонидан содир этилишни эътиборга олиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасида белгиланган тартибда алкоғолни сувистемол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситалари психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истемол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига доир чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ саналади.

Безорилик жиноятини олдини олишнинг умумижтимоий чораларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у салбий ҳодисалар, шу жумладан, бевосита безориликни олдини олишга йўналтирилмайди факатгина, ушбу фаолиятга кўмаклашади. Аслида умумижтимоий олдини олиш жиноят содир этилишга йўл қўймасликка, яъни махсус олдини олишга тўғри ва бевосита қаратилган барча чораларнинг асоси базаси бўлиб хизмат қилади. Безорилик алоҳида ижтимоий воқеалик, демак унга қарши курашиш йўллари ҳам ижтимоий ҳуқуқий ишлар соҳасида йотиши лозим унинг самарадорлиги эса кўп ҳолларда ижтимоий муамоларнинг мувафакиятли ҳал қилинишга болиқ бўлади. Бу безориликнинг ҳам умумий ҳам яқка тартибдаги профилактикасига тегишлидир. Умумий профилактика жамият аъзоларига ҳуқуқ-атвор қоидалари ва нормалари тўғрисидаги тушунчалар йетказилади жиноий ҳуқуқ-атвор жазоланиши тўғрисидаги факт алоҳида қайд этилади. Безориликка ҳуқуқбузарлигига келсак ушбу ҳуқуқбузарликларнинг умумий ҳолати қуйидагича кўриниш олган: бу ҳам ўз манфаатлари ҳам бошқа шахслар манфаатларига жамиятга қарши-турмуш тарзи кечираётган алоҳида шахсларга тизимли амалга ошириладиган тегишли таъсирлар ёки безориликлар профилактикаси ушбу жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини аниқлаш ўрганиш бартараф этиш жамиятга қарши турмуш кечираётган ва безорилика мойил шахсларни аниқлаш ва таҳлил қилиш ушбу шахсларнинг тегишли рўйхатини юритиш ва уларга зарур таъсир кўрсатиш каби чораларни ўз ичига олади.

Безорилик ҳуқуқбузарлигининг профилактикаси бу жамоат тартиби жамоат ҳавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ва мақсадга йўналтирилган чоралар тизимини амалга оширишга ва тегишли жиноий тажовўзларга йўл қўймасликдан иборат бўлган ижтимоий профилактиканинг бир қуриниши ҳисобланади. Профилактика назарий тури сифатида ҳам амалий тури сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Ахлоқий (ахлоқсиз ҳуқуқ атворга йўл қўймаслик)



умумхуқуқий профилактикалар (кенг манода ҳуқуқбузарликларни олдини олиш) тўғрисида фикр юритса ҳам бўлади. Профилактиканинг турлари ва йўналишлари жуда ҳам кўп. Бироқ безорилик ҳуқуқбузарлиги профилактикасига кайтамыз умумий профилактика доирасида турли соҳалар ва йўналишлар ажратилади жиноий ҳуқуқий соҳа жиноят процетсуал жиноят ижроия криминалогик ва х.к. Бундан ташқари бу йерда умумий ижтимоий профилактика фаолияти учун катта майдон мавжуд масалан, ахлоқий профилактика психалогик педагогик тиббиёт (шу жумладан психатрик) ва х.к. Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг умумпрофилактик фаолиятини ҳам киритиш мумкин. Барча ҳолатларда О А В дан фаол фойдаланилади .

Айрим муаллифлар умумий профилактика жиноятчилар психиалогиясига караганда кўпроқ қонунга итоаткор одамларнинг психиалогиясига тасир кўрсатади деб хисолашади. Профилактика инспекторларининг безорилик ҳуқуқбузарлиги сонини кискартитришни кўзловчи профилактиканинг умумий чораларини амалга ошириш бир томондан одамларни мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этишдан тийиб туради бошқа томондан эса фуқароларнинг безорилик ҳуқуқбузарлиги жабрланувчиси бўлишдан саклайди.

Амалётни ўрганиш безорилик ҳуқуқбузарлиги профилактикасини ерта бошлаш учун хабар бўлиб инсоннинг жамиятга қарши килмиши жиноий ҳаракатларга интилиш ривожланиши ва жиноий килмишга олиб келувчи умуман унинг ҳуқуқа хилоф ҳулқ-атвори болиши мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатадики жиноий турмуш кечира ётган шахслар айнан шундай тарзда безорилика кириб колдишади. Амалёт таҳлили бундай шахсларнинг безорилик ҳуқуқбузарлиги профилактикаси бошлаш учун асос бўлиб ҳам жиноий фаолият билан шугилланаётган шахсларнинг уларга салбий тасири ҳам уларнинг қонунга итоаткор турмуш кечираётган бошқа бошқа шахсларга тасири бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бу йерда фактнинг ўзи муҳим иконият мавжуд энди безориликни олдини олиш зарур.

Безориликни якка тартибдаги профилактикаси энг аввало ҳар бир алохида шахс билан аниқ ишлашга мўлжалланган ва бу билан унинг тезкор фаолияти билан ухшашлиги мавжуд. Бошқалар бир қаторда у ёки бу шахсда безорилик содир қилиш режаси пайдо бўлганда ишлатилади мазкур шахснинг бу билан бир қаторда унинг вербал ҳулқа-твори эса бундай қасд мавжудлигни тасдиқлайди.

Якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари бир томондан безорилик содир қилишга қасд аникланган шахснинг ўзига бошқа томондан эса ушбу шахс атрофига (агар бундай хамтавоги ёки безорилик қилишга кумаклашушчи шахслар мавжуд булса) тасир қилишни тaminлайди. Бундай профилактика виктим ҳулқ-атвор сабабли жиноят жабланувчиси мумкин шахсларга йуналтирилган.



Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бу– ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятидир .

Ички ишлар органларининг виктимологик профилактик фаолиятининг асосий объектларига қуйидагилар киради:

- билим савияси юқори бўлмаган шахслар;
- ишонувчан содда одамлар;
- ёлғиз яшовчи қариялар;
- тадбиркорлар;
- бепарво шахслар;
- ҳайдовчилар;
- тунги қоровуллар ва бошқ .

Шахслар муайян тоифасининг вакиллари жиноятдан жабрланиш эҳтимоли содир этилаётган жиноят турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, безориликдан жабрланувчи шахс номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда кўпроқ даражада тасо-дифий бўлади. Айни вақтда, фирибгарликдан жабрланувчилар номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда камроқ даражада тасодифийдир. Тасодифийлик омили жиноят содир этиш усулига, жиноятчининг «профессинал» тайёргарлигига ва бошқа ҳолатларга қараб намоён бўлади .

Безорилик ҳуқуқбузарлигини келтириб чиқаришга жабрланувчининг куйдаги белгилари сабаб булади:

- жабрланувчининг жиноятчи томонидан жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори:
- жиноят содир этишга туртки берувчи (шахс ўз ҳаракатлари билан криминоген вазиятни юзага келтиради);
- фаол (шахс бевосита криминоген вазиятни юзага келтир-майди, лекин ўз ҳаракатлари билан унинг юзага келишига жид-дий таъсир кўрсатади);
- пассив (криминоген вазиятнинг юзага келишида шахс жид-дий ёки умуман ҳеч қандай роль ўйнамайди) бўлиши мумкин .

Жиноят содир этиш вақтида жабрланувчининг ҳаракатлари-дан келиб чиқиб:

- шахснинг ҳуқуқбузар кўзлаган жиноий ниятини рўёбга чиқаришига имконият яратадиган хулқ-атворини;
- жабрланувчининг жиноятчига жиноий натижага эришиш имкониятини энгиллаштирувчи унсурларсиз хулқ-атворини («нейтрал» хулқ-атворни);
- ғайриҳуқуқий хулқ-атвор амалга ошишига муайян даража-да тўсқинлик қилувчи хулқ-атворни фарқлаш мумкин.



Безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олишда профилактика инспекторлари куйдагиларга эътибор қаратишлари лозим:

- ўзининг қарашлари, хулқ-атвори билан жиноят содир этишга мойиллигини гувоҳлик берувчи шахсларни аниқлаш;
- шундай шахсларни аниқлаш ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи манбааларни аниқлаш;
- улар учун ҳуқуқбузарлик содир этилмаслигига йўл қўймаслик мақсадида имкони борича соғлом микромуҳитни вужудга келтириш;
- зарарли таъсир этувчи манбааларни бартараф этиш;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.

Маълумки, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ички ишлар органларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Жамоат жойларида содир этиладиган безорилик жиноятларини олдини олиш, маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича амалдаги қонунчиликка асосан тегиши жазо чорасини қўллашда ички ишлар органлари асосий субъект ҳисобланади. Яъни, бу соҳада маъмурий жазо ва бошқа таъсир чораларини қўллаш фаолияти ўз навбатида ички ишлар органларининг ваколат доирасига киради.

Профилактика инспекторларининг жамоат жойларида содир этиладиган безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш фаолиятининг махсус субъекти деб айтиш мумкин. Барча турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ва уни профилактика қилиш бўйича ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Ички ишлар органларининг безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш фаолияти шуғулланувчи профилактика инспекторлари ҳисобланади. Шаҳар (туман) ИИБ ХПБ ҳуқуқ тартибот масканларида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг безорилик ҳуқуқбузарликларини олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида биринчидан, ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда профилактик ишларни тўғри ташкил этиш ва олиб бориш, иккинчидан, ҳудуддаги аҳолининг умумий сони, ҳудуддаги криминоген вазиятни яхши билиши ҳамда жамоат жойларини назорат остига олиши; учинчидан, жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билан ишлаш лозим. Профилактика инспекторларининг майда безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олишни ташкил этишда тўзиладиган ойлик ва чораклик иш режаларида безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олиш масалаларига чуқурроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқ тартибот масканларининг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу хизмат



томонидан безорилик ҳуқуқбузарлигини олдини олишда бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o'ttiz to'rt yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. <https://president.uz/uz/lists/view/8440>.

2. O'zbekiston Respublikasining 2024 yil 14 noyabrdagi "Bolalarni zo'ravonlikning barcha shakllaridan himoya qilish to'g'risida"gi O'RQ-996-son qonuni.

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 21 dekabrdagi «Mahalla institutining jamiyatdagi rolini tubdan oshirish va uning aholi muammolarini hal etishda birinchi bo'g'in sifatida ishlashini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar to'g'risida» PF-209-son Farmoni.

4. Таштемиров А. А. Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган жиноятларни фош этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //World of Science. – 2023. – Т. 6. – №. 6. – С. 169-175.

5. Таштемиров А., Курчибоев Ж. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг профилактикасида таълим ва тарбиянинг ўрни ва аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 130-135.

6. Таштемиров А. А., Калауов С. А. Ўй ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //Barqarorlik va etakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.

7. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31.

8. Таштемиров А. А. и др. Ижтимоий профилактика объекти сифатида алкоголизм таъсиридаги шахслар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш //So'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 6. – №. 12. – С. 552-558.

9. Tashtemirov A., Po'latov A. Ayollar jinoyatchiligining oldini olish chora-tadbirlari //Innovatsionnye issledovaniya v nauche. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 75-78.

10. Таштемиров А., Нурматов Н. Айрим хорижий давлатларнинг тезкор қидирув фаолиятида соҳавий ҳамкорликнинг таҳлили //Innovatsionnye issledovaniya v nauche. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 190-197.

11. Таштемиров А. А. и др. Зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ва ўзига хослиги //Innovative achievements in science 2024. – 2025. – Т. 4. – №. 37. – С. 82-90.